

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019. Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ
ИНСТИТУТИ**

МУХАМЕДОВ ШУХРАТ БАХРОНОВИЧ

**РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУРКИСТОНДА ИСЛОМ ДИНИГА
ДОИР СИЁСАТИ (1864-1917 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари доктори (DSc) Диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Докторлик диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Мухамедов Шухрат Бахронович

Россия империясининг Туркистонда ислом динига доир сиёсати (1864-1917 йй.)

.....3

Мухамедов Шухрат Бахронович

Политика Российской империи в Туркестане в отношении ислама (1864-1917 гг.)

.....37

Mukhamedov Shukhrat

State policy towards Islam by the Russian Empire in Turkestan (1864-1917)

.....69

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....71

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019. Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ
ИНСТИТУТИ**

МУХАМЕДОВ ШУХРАТ БАХРОНОВИЧ

**РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУРКИСТОНДА ИСЛОМ ДИНИГА
ДОИР СИЁСАТИ (1864-1917 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари доктори (DSc) Диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017. DSc/Tar13 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎЗР ФА Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-tarix.nuu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Расмий оппонентлар:

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор

Исакова Муҳайё Сраждиновна
тарих фанлари доктори

Эргашев Бахтиер Эргашевич
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат Педагогика Университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория). Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Х.Э.Юнусова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.б., т.ф.д., профессор

Б.Б.Хайназаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.ф.д. (PhD)

Н.У.Мусаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий глобаллашув жараёнларида умуммиллий кадриятларни улуғлаш баробарида диний кадриятларга бўлган муносабат ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда. Динлараро бағрикенглик, диний конфессияларнинг ўзаро ҳамкорлиги, уларнинг фаолиятини халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил 16 ноябрда ўтказилган 28-сессиясида қабул қилинган “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси” инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини кафолатлаш, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, ахборот технологияларнинг ривожланиши ҳамда оммавий маданиятнинг хуружи жараёнида динга бўлган сиёсатни умумбашариятнинг буюк меъроси сифатида қадрланиши жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳоннинг йирик илмий-тадқиқот марказларида Россия империясининг Марказий Осиёдаги мустамлакачилик бошқаруви, иқтисодий ва маданий соҳада олиб борилган сиёсати ва унинг оқибатлари юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, минтақада ислом динига доир сиёсати, мусулмон аҳолининг диний урф-одатларига бўлган муносабат, исломдаги мазҳаб ва оқимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнлари, тасаввуф илми, ҳадисшунослик, фикҳ илми, ислом ҳуқуқи, шариат асослари каби мавзулар устувор саналади. Мазкур жараёнда Россия империясининг минтақада ислом динига нисбатан сиёсати борасида ҳолис ёндашув асосида изланишлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақил Ўзбекистоннинг барча соҳадаги ислохотларида юртимизда истиқомат қилиб келаётган турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик тамойилларини қарор топтириш ўз аксини топган. Айниқса, 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилиш ташаббуси билан чиққани ҳамжамиятнинг диққат марказида бўлиб, унда саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашиш, энг асосийси, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлашга қаратилгани эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105-сон “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани

ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодий шакллантириш» дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Жаҳонда Россия империясининг Туркистонда ислом динига доир давлат сиёсати масалаларига оид қатор илмий марказлари ва етакчи олий таълим муассасаларида, жумладан, Department of Central Eurasian studies, Indiana University, Bloomington (АҚШ), Russian, Eurasian and East European studies of Columbia Harriman Institute (АҚШ), Islamic Studies Program Indiana University, Bloomington (АҚШ), Regional Department Central Asian Seminar of The Humboldt University of Berlin (Германия), Central Asian Program (АҚШ), Institute for European, Russian and Eurasian studies (IERES) of George Washington University (АҚШ), Central Eurasian Studies Society (АҚШ), Institute of Oriental and Asian Studies (Германия), Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти (Россия), Central Asia Forum of Cambridge University (Буюк Британия), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих Институти кабиларда олиб борилмоқда.

Жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида Россия империясининг Туркистонда ислом динига доир давлат сиёсати масалаларига оид қуйидаги илмий натижалар олинган: Россия империяси ҳукуматининг Туркистондаги ҳокимиятини мустаҳкамлаши жараёнида маҳаллий бошқарув идораларининг ташкил этилиши ва фаолиятига тегишли ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши, фаолияти ҳамда таркибий тузилиши асосланган (Indiana University, АҚШ); Туркистон генерал-губернаторлигининг бошқарув шакли, жамиятда ҳокимиятни ўрнатиш учун мафкуравий курашлар, Россия империяси сиёсатининг таназзулга учраши очиб берилган (Russian, Eurasian and East European studies of Columbia Harriman Institute АҚШ); Россия империясининг ўлка ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётидаги сиёсати ёритилган (The Humboldt University of Berlin, Германия); Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ўтказилган маъмурий бошқарувдаги ислохотлар жараёнининг маҳаллий аҳоли ижтимоий ҳаётига олиб кирган ўзгаришлари очиб берилган (George Washington University (АҚШ); Ўрта Осиёдаги ислом динининг ёйилиши босқичлари, худудлар бўйича тарқалиш хусусиятлари ҳамда исломнинг маҳаллий аҳоли турмуш тарзидаги ўзига хос ўрни кўрсатиб берилган (Central Eurasian Studies Society, АҚШ), вақф мулклари масаласи ва унга муносабат, ўлкадаги масжид ва мадарасаларнинг фаолияти ҳамда уларнинг маҳаллий аҳоли ижтимоий-

маданий ҳаётидаги бўйича хулосалар келтирилган (Institute of Oriental and Asian Studies (Германия), Россия империяси ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё халқларининг маданияти, урф-одат ва анъаналари ҳамда ўлка маъмурияти томонидан ижтимоий-сиёсий соҳаларда олиб борилган ўзгаришларнинг моҳияти кўрсатиб берилган (Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Россия); Россия империясининг Марказий Осиё минтақасидаги ҳукмронлиги даврида маҳаллий аҳолининг эътиқод ва диний қадриятлар ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни очиб берилган (Central Asia Forum of Cambridge University, Буюк Британия).

Россия империясининг ислом динига доир ва умумий Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати тарихи, унинг ўлка ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётини ўрганишга доир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: империя мустамлакачилик бошқарув тизимининг хусусиятлари, давлат бошқарув тизимида маҳаллий бошқарув ва назорат органларининг ўрни, маҳаллий аҳолининг чор бошқарув тизимида бўлган муносабати, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги ўзгаришлар, рус маъмуриятининг ўлкадаги диний арбоблар ва диний таълим муассасаларига нисбатан олиб борган сиёсатининг моҳиятини ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқ этилаётган муаммонинг тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда Россиянинг Туркистондаги ислом динига нисбатан юритган сиёсатига оид яхлит илмий ишлар мавжуд эмас. Фақат айрим тадқиқотлардагина Россия империяси мустамлакачилиги билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш жараёнида ислом динининг баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтилган.

Умуман олганда, ўрганилаётган муаммо тарихшунослигини шартли равишда тўртга бўлиш мумкин: 1) Мустамлака даври адабиётлари; 2) Совет даври нашрлари; 3) Хорижий асарлар; 4) Мустақиллик даври тадқиқотлари.

XIX асрнинг ўрталаридаги россиялик олимларнинг тадқиқотлари орасида исломга нисбатан юритилган сиёсат муаммолари ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан тадқиқ этилган илмий ишлардан профессор А.К.Казем-Бек¹, таниқли шарқшунослар Н.В.Ханыков² ва Н.Е.Торнау³ ҳамда бошқаларнинг асарларини қайд этиб ўтиш лозим.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида бизни қизиқтираётган муаммога у ёки бу даражада мурожаат этган исломшуносликдаги академик йўналишнинг вакиллари қаторига, биринчи ўринда таниқли олимлар – В.В. Бартольд ва А.Е.Кримскийларни киритиш мумкин. Хусусан, В.В.Бартольднинг исломшунослик масалаларига бағишланган “Халиф и Султан” монографияси (1912), “Ислам” (1918), “Культура мусулманства” (Мусулмон маданияти). (1918), “Мусулманский мир” (Мусулмон дунёси) (1922) деб

¹ Казем-Бек А.К. История ислама // Русское слово №2, 5. 1860.

² Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. - СПб., 1843.

³ Торнау Н.Е. Мусулманское право. - СПб., 1866.

номланган оммабоп очерклари фанда муҳим роль ўйнаган.

Ушбу олим ушбу тадқиқотлари билан бирга, бошқа бир қатор асарларида Россия давлати ўзининг тинимсиз мустамлакачилик фаолияти орқали мусулмон дунёсининг бир қисми ҳисобланган Волгабўйи, Сибирь, Қрим, Кавказ ва Туркистонни ўз мулкига айлантирганлиги ва бу билан миллионлаб “Россия тобелигида бўлган мусулмонлар”нинг тақдирини ҳал қилиш масъулиятини ўз бўйнига олганлигини қайд этган эди⁴. В.В.Бартольд асарида подшоҳ маъмуриятининг Ўрта Осиёда ислом динига нисбатан олиб борган сиёсатининг таҳлили, танқидий тарзда тақдим этилган⁵. Бироқ, Туркистон ва ислом дини масалаларининг у ёки бу томонини илмий асосда чуқур ўрганган бўлса-да, В.В.Бартольд Россия империяси ҳукуматининг айнан ислом борасидаги диний сиёсатини махсус таҳлил қилмаган.

Ислом дини мавзуси таниқли шарқшунос А.Е.Кримскийнинг Россияда 1917 йилнинг инқилобгача бўлган даврдаги илмий фаолиятида асосий ўринни эгаллаган эди⁶.

Россия Ички ишлар вазирлигининг Диний ишлар бўйича департаменти амалдори, империянинг ислом дини бўйича етакчи эксперти С. Г. Рыбаковнинг асари эътиборга лойиқ⁷. Унда Россия империясида ислом дини устидан “давлат назорати” тизимини ташкил этиш бўйича шакл ва услубларнинг умумий шарҳи келтирилган.

1920-1930 йилларда яратилган илмий ва публицистик адабиётларда ислом дини мавзусига ёндошувда иккита оқим ажралиб турар эди. Эски академик анъанавий ёндошув вакиллари (В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, А.Е.Кримский), мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, ислом дунёси ҳақидаги маълумотларни анъанавий тарзда баён этишга ҳаракат қилганлар. Иккинчи оқимга эса “жанговар атеизм” услубидаги нашрлар (А. Аршаруни, Х. Габидулин) хос бўлиб, уларнинг асосий мақсади динни “фош қилиш”дан иборат эди. Ушбу атеистик тарғибот-ташвиқот йўналишидаги адабиётлар орасида Л. И. Климовичнинг асари⁸ бугунги кунда камёб бўлган материалларни ўзида жамлаганлиги туфайли ҳозир ҳам маълум маънода илмий қийматини йўқотмаган ва алоҳида ўринга эга. Л.И.Климович ҳақли равишда подшоҳ Россиясида ислом динини “сиқув”га олиш мақсадига йўналтирилган империяча сиёсат мавжуд бўлмаганлигини таъкидлаб, империянинг “юқори табақа” мусулмонлардан монархия манфаатлари учун фойдаланишга интилганларини қайд этган.

XX асрнинг 50-йилларидан ислом дини мавзусини ўрганишга бўлган қизиқиш секин-аста тиклана бошлади. Бу борада Т.С.Саидбоев асарининг

⁴ Арапов Д. Ю. Василий Владимирович Бартольд о Сибири // Этническая история тюркских народов Сибири и сопредельных территорий. - Омск, 1998. С. 33-36.

⁵ Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. - М., 1922.

⁶ Крымский А. Е. История мусульманства. - М., 1904. Ч. I.

⁷ Рыбаков С. Г. Устройство и нужды управления духовными делами мусульман России. - П., 1917.

⁸ Климович Л. И. Ислам в царской России. - М., 1936.

нашр этилиши жиддий ҳодиса бўлди⁹. Муаллиф кескин сиёсий-ғоявий тақиқлар ҳукм сурган бир пайтда, эҳтиёткорлик билан бўлса-да, Ўрта Осиё анъанавий жамиятида ислом динининг аҳамиятини, унинг муассасалари томонидан бир қатор муҳим ижтимоий ва диний вазифалар амалга оширилганлигини кўрсатиб беришга муваффақ бўлган.

Фақат XX асрни 80-йилларининг ўрталарига келиб эски тақиқлар аста-секин олиб ташлана бошланди. 1988 йили М.М.Кульшариповнинг кўп йиллардан бери биринчи бўлган, мусулмонларнинг диний идораларидан бирига бағишланган мақоласи¹⁰ чоп этилди. 1988 ва 1991 йилларда “Ислом” луғатининг чоп этилиши ҳам муҳим воқеа бўлди.

СССР парчаланганидан кейин нашр қилинган исломшуносларнинг янги илмий ишларини, бизнинг фикримизга кўра, учта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Россияда ислом дини тарихига бағишланган умумлаштирувчи тадқиқотлар. Бу ўринда аввало москвалик шарқшунос Р.Г.Ланданинг монографиясини¹¹ келтириб ўтиш зарур. Ушбу асарда X асрдан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган даврда ислом дини тарихининг Россиядаги асосий босқичларини кўп йиллардан бери биринчи маротаба тавсифлашга ҳаракат қилинган. Шунингдек, асарда 1917 йилгача бўлган вақт мобайнида мусулмон диний идоралари фаолияти масаласи ҳам кўриб чиқилган. Бошқа тадқиқотлардан Оренбург муфтийлигининг ташқил этилиши ва бу жараёнда Уфа генерал-губернатори О. А. Игельстремнинг роли ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган А. В. Малашенконинг 1998 йилда чоп этилган асарини¹² айтиб ўтмоқ лозим. Романовлар монархиясининг ислом динига оид давлат сиёсати тизимига И. Е. Воробьёванинг ва И. Л. Алексеевнинг диссертация ишлари бағишланган¹³.

Д.Ю.Араповнинг монографияси ҳам мавзунинг назарий муаммоларини қиёсий ўрганиш ва хулосалар чиқаришда муҳим аҳамиятга эга¹⁴. Екатерина II ҳукмронлигидан то Николай II ҳокимиятининг сўнгги даврларига бўлган вақт оралиғида давлатнинг диний сиёсатини тадқиқ этар экан, муаллиф империянинг ислом динига оид амалдаги ва лойиҳалаштирилган қонунларини ҳам таҳлил қилган, Россия империясининг Волгабўйи, Қрим, Кавказ ва Сибирдаги “ислом масаласи”га муносабатини ёритган ҳамда қисман Тур-

⁹ Саидбаев Т.С. Ислам и общество. Опыт историко-социологического исследования. - М., 1978.

¹⁰ Кульшарипов М. М. Открытие духовного управления мусульман в Уфе // Социально-экономическое развитие и классовая борьба на Южном Урале и в Среднем Поволжье. – Уфа, 1988.

¹¹ Ланда Р. Г. Ислам в истории России. - М., 1995.

¹² Малашенко А. В. Исламское возрождение в современной России. - М., 1998.

¹³ Воробьёва И. Е. Мусульманский вопрос в имперской политике российского самодержавия (вторая половина XIX в. – февраль 1917 г.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – СПб., 1998; Алексеев И. Л. Ислам в общественно-политической жизни России (XIX – начало XX вв.): Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – М., 2002; Е.И.Воробьёванинг кейинчалик нашр этган иши ҳам қизиқиш уйғотади. Қаранг: Кэмбелл (Воробьёва) Е. И. Мусульманский вопрос в России: история обсуждения проблемы // Исторические записки. – М., 2001. Т. 4 (122).

¹⁴ Арапов Д.Ю. Система государственного регулирования ислама в Российской империи (последняя треть XVIII – начало XX вв.) – М., 2004.

кистонда дин соҳасида олиб борилган давлат сиёсати ҳам тўхталиб ўтган.

2. Россия империясининг турли минтақаларида яратилган ислом дини тарихини ёритувчи асарлар. Уларнинг асосий қисми инқилоб давригача бўлган Волгабўйи ва Урал минтақаларида ислом дини тарихи муаммоларига бағишланган. Булар Қозон ва уфалик тадқиқотчилар Д.Д.Азаматова, Ф.Г.Ислаева, Г.Б.Фаизова, А.Ю.Хабутдинов, А.Юнусоваларнинг асарларидир¹⁵.

Романовлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёда ислом динига муносабат масаласини ёритишда мунозарали роль ўйнаган муҳим асарлардан бири П. П. Литвиновнинг тадқиқоти ҳисобланади¹⁶. Ишнинг архив ҳужжатлари асосида ёзилгани нуқтаи назаридан у, шубҳасиз, жуда катта қизиқиш уйғотади. Муаллиф Ўрта Осиё республикалари архивлари билан бир қаторда, Россиянинг етакчи архивлари жамғармаларида сақланаётган тарихий ҳужжатларни тадқиқ этган. Аммо, у ушбу манбаларни шарҳлашда, баъзи ҳолатларга баҳо беришда ўзига хос таҳлилга таяниб, ноҳолис ва асоссиз хулосалар чиқарган. П.П.Литвинов томонидан Вамберининг: “Токи Қуёш нур сочиб турар экан, ислом Исо Масиҳ динига айланмайди – у мусулмонлар учун жуда юксак ва мавҳумдир”, - деган сўзларини эпитаф сифатида олиниши, муаллиф нуқтаи назарини яққол ёритиб беради¹⁷. Шунини айтиш мумкинки, П. П.Литвиновнинг мустамлакачилик даври тарихига оид фикрларига собиқ совет республикаларининг кўпчилик тарихчилари кўшилмайдилар, чунки уларда ушбу ҳудудлар халқини камситиш руҳи мавжуд. Шунингдек, муаллифнинг христианлик ва ислом дини таълимот ва ақидаларидан беҳабарлиги ҳам кўриниб туради.

Ўрганилаётган масалага оид ўзига хос мулоҳазалар Д.В.Васильевнинг мақоласида ҳам келтирилган бўлиб, унинг: “Минтақа тарихини ўрганишда уни бошқарган раҳбарларни ўрганмасдан Рус Туркистони ҳақида тўлақонли тасаввурга эга бўлиш амри маҳолдир”, – деган фикрлари эътиборга лойиқ¹⁸. Муаллиф Туркистон генерал-губернаторлари М.Г.Черняев, Д.И.Романовский, К.П. фон Кауфман, Н.О. фон Розенбахларнинг таржимаи ҳолатларини ижобий кўринишда батафсил ёритиш билан бирга, уларнинг ислом динига оид давлат сиёсатини тартибга солиш борасидаги фаолиятини ҳам таҳлил қилади.

3. Хорижий тадқиқотчилар ўз асарларида ислом динига оид масалаларни холис тадқиқ этиш имкониятидан маҳрум бўлган совет тарихчиларидан фарқли ўлароқ, ушбу муаммо билан фаол шуғулланишган¹⁹. Мавзуни

¹⁵ Азаматов Д. Д. Оренбургское магометанское духовное собрание в конце XVIII — начале XIX в. - Уфа, 1999; Ислаев Ф. Г. Ислам и православие в Поволжье XVIII в.: от конфронтации к терпимости. - Казань, 2001; Фаизов Г. Б. Государственно-исламские отношения в Поволжье и Приуралье. - Уфа, 1995; Хабутдинов А. Ю. Миллет. Оренбургское Магометанское Духовное собрание XVIII — XIX вв. - Казань, 2000; Юнусова А. Б. Ислам в Башкортостане. - Уфа, 1999.

¹⁶ Литвинов П. П. Государство и ислам в Русском Туркестане (1865-1917) (по архивным материалам). – Елец, 1998.

¹⁷ Ўша жойда. С. 45.

¹⁸ Васильев. Д. В. Русский Туркестан; судьба и власть (туркестанские генерал-губернаторы в 1865-1886 гг.) // Азиатская Россия. Люди и структура империи. - Омск, 2005. Б.352.

¹⁹ Каранг: Арапов Д. Ю. Система государственного регулирования ислама в Российской империи. – М.,

ўрганишда А.Франкнинг Россия империясидаги мусулмон диний институтларини тадқиқ қилишга бағишланган асари алоҳида аҳамиятга моликдир²⁰.

Шунингдек, мавзуга бағишланган швейцариялик тарихчи А.Каппелернинг китоби²¹ 2000 йилда рус тилига таржима қилинган. Муаллиф асарда мусулмон диний идоралари ҳақида умумий маълумотлар келтирган. 2003 йилда америкалик тадқиқотчи Р.Крузнинг мақоласи ҳам эътиборга лойиқ²². Унда муаллиф ҳукуматининг турли конфессияларга (асосан яҳудийлик билан таққослаган ҳолда) қаратилган ҳаракатлари ва қарорларини ислом динига нисбатан олиб борилган чоризм сиёсати билан қиёсий ўрганган.

Италиялик таниқли тарихчи Марко Буттинонинг архив материаллари ҳамда асарларнинг асл нусхалари асосида ёзилган илмий иши Ўрта Осиёнинг чоризм давридан СССР ташкил топгунга қадар бўлган тарихни ўз ичига олган²³. Муаллиф маҳаллий ва кўчиб келган аҳолининг ўзаро муносабатларини таҳлил қилиб, мустамлакачилик тизими шароитида ҳар иккала томоннинг руҳиятидаги трансформация жараёнларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратган. Унинг баъзи бир мулоҳазаларига қўшилиш қийин. Масалан, Буттинонинг фикрича, 1898 йилги Андижон кўзғолонига “жаҳон бозорида пахтанинг нархи тушиб кетганлиги ва бунинг оқибатида 1896-1898 йилларда пахта экиладиган майдонларнинг қисқариб кетиши” сабаб бўлган²⁴. Фикримизча, бу муаммога жуда содда ёндошилган. Аслида кўзғолоннинг рўй беришига ислом дини омили ҳам жиддий таъсир кўрсатган.

XXI аср бошига келиб хорижлик тарихчиларнинг Марказий Осиё минтақаси тарихи ва замонавий тараққиётига қизиқишлари янада ошиб бормоқда²⁵. Бунда Афғонистон ҳудудига АҚШ ва Европа мамлакатлари ҳарбий қисмла-

2004.

²⁰ Frank Allen J. Muslim Religious Institution in Imperial Russia. - Leiden; Boston, 2001.

²¹ Каппелер А. Россия – многонациональная империя; возникновение, история, распад. – М., 2000.

²² Crews R. Empire and the Confessional State: Islam and Religious Politics in Nineteenth Russia // American Historical Review. 2003. February.

²³ Буттино Марко. Революция наоборот. Средняя Азия между падением царской империи и образованием СССР. – М., 2007.

²⁴ Ўша жойда. С. 55.

²⁵ Daniel R. Brower: Turkestan and the fate of the Russian Empire. – London, 2003; Seymour Becker: Russia's Protectorates in Central Asia. – London, 2004; Robert D. Crews: For Prophet and Tsar: Islam and Empire in Russia and Central Asia. – Cambridge. London, 2006; Jeff Sahadeo: Russian Colonial Society in Tashkent, 1865-1923. – Bloomington, 2007; Tomohiko Uyama (Ed.) Empire, Islam, and Politics in Central Eurasia. – Sapporo, 2007; Alexander S. Morrison: Russian Rule in Samarkand, 1868-1910. A Comparison with British India. Oxford University Press, 2008; Schimmelpenninck van der Oye, David: Russian Orientalism. Asia in the Russian Mind from Peter the Great to the Emigration. – New Haven, CT, 2010. 1-64; Alexander Morrison. Metropole, colony and imperial citizenship in the Russian Empire, Kritika: Explorations in Russian and Eurasian History, 13, 2 (2012); Alexander Morrison. Creating a Colonial Shari'a for Russian Turkestan: Count Pahlen, the Hidayat and Anglo-Muhammadan Law. Imperial Cooperation and Transfer, 1870–1930 Empires and Encounters. - London. New York, 2015; Alexander Morrison. Creating a Colonial Shari'a for Russian Turkestan: Count Pahlen, the Hidayat and Anglo-Muhammadan Law. Imperial Cooperation and Transfer, 1870–1930 Empires and Encounters. - London. New York, Bloomsbury Academic An imprint of Bloomsbury Publishing Plc. 2015. - P. 127-149; Williams D.S.M. Imperial Russian rule in Turkestan: the Pahlen Investigation, 1908–09. Asian Affairs. 2, 2 (1971); Alex Marshall. The Russian General Staff and Asia. London: Routledge, 2006; Niccolon Pianciola and Paolo Sartori. Islam, State, and Society Across the Qazaq Steppe (18 th-early 20 th centuries). (Wien.2013). Paolo Sartori Visions of Justice: Sharia and Cultural Change in Russian Central Asia. (Leiden: 2016).

рининг киритилиши каби воқеалар маълум даражада туртки бўлди. Тарихчилар кўз олдига XIX – XX аср бошида содир бўлган «Greate game» даври воқеалари гавдаланди, ўшанда Марказий Осиёда инглиз-рус рақобатчилиги тўлиқ муваффақиятсизлик билан яқунланди. 100 йил олдинги воқеаларни таҳлил этар экан, хорижлик тарихчи ва сиёсатчилар ҳозирги даврдаги воқеалар ривожини башорат қилмоқчи бўладилар. Айниқса, уларни Россиянинг Туркистондаги ва Англиянинг Ҳиндистондаги мустамлакачилиги даврида метрополиянинг ислом динига оид давлат сиёсати масалалари кўпроқ қизиқтиради.

Умуман олганда, хорижлик тадқиқотчиларнинг ишларига турли тилларда чоп этилган манбалардан фойдаланиш хос эканлигини айтиб ўтиш зарур.

4. Россия империяси мустамлакачилиги даврида Туркистонда ислом динига давлат муносабати масаласи мустақиллик йилларида ватан тарихшунослигида алоҳида илмий тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган. Чоп этилган қатор адабиётлар орасида бизнинг мавзуга оид бўлган Н. А. Абдурахимованинг Туркистонда Россия мустамлакачилик бошқаруви масалаларига бағишланган тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим²⁶.

Шунингдек, мустамлака даври (1864-1917) тарихининг турли жиҳатлари Ўзбекистон тарихчиларининг бир қатор ишларида²⁷ ва “O’zbekiston tarixi” журналининг турли йиллардаги сонларида чоп этилган мақолаларда ёритилган²⁸.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатлари, жумладан, жадидлар ҳаракатини ёритишда Д.А.Алимованинг кенг қамровли тадқиқоти салмоқли ҳисса қўшди. Жадид тараққийпарварларининг диний қарашларига таъриф берар экан, муаллиф: “Ислом динини ислоҳ қилиш масаласи жадидлар фаолиятида асосий ўринни эгаллаган, улар ислом динининг тараққийпарварлигини, таълим, иқтисодиёт,

²⁶ Абдурахимова Н. А. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – начале XX вв. Дисс. д-ра ист. наук. – Ташкент, 1994; Абдурахимова Н. А., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – первой четверти XX вв. – Ташкент: Университет, 1999; Абдурахимова Н. А., Эргашев Ф. Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент: Академия, 2002.

²⁷ Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917). – Ташкент, 1997; Гиллабоев С. Туркистон ўлкасининг маъмурий бошқарув тизимида маҳаллий аҳоли вакилларининг иштироки. – Тошкент: Фан, 2008.

²⁸ Тогаева А. Тошкент–Оренбург темир йули ва Россия мустамлакачилик сиёсати // O’zbekiston tarixi, 1999. № 4. Б. 49-55; Махкамова Н. К вопросу об уровне просвещённости и культурного развития среднеазиатских государств XIX – начала XX вв. // O’zbekiston tarixi, 2000. № 1-2. Б. 13-22; Зияева Д. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида чоризмнинг Туркистон моддий бойликларини ўзлаштириш сиёсати // O’zbekiston tarixi, 2000. № 1-2. Б. 23-33; Бабаджанов Б. Андижанское восстание 1898 г. «Дервишский газзават» или антиколониальное выступление // O’zbekiston tarixi, 2001. № 2, 3, 4; Киселёв В. Демографическая статистика в колониальном Туркестане во второй половине XIX в. // O’zbekiston tarixi, 2002. № 1. Б. 11-18; Суюнова О. Чор Россиянининг Туркистонни бошқариш ҳақидаги 1886 йил низомнинг аграр бандлари ҳақида // O’zbekiston tarixi, 2002. № 1. Б. 27-31; Котюкова Т. Из истории борьбы за представительство Туркестана в Государственной Думе Российской империи // O’zbekiston tarixi, 2002. № 3. Б. 37-48 ва бошқалар.

маданият, умуман, жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишдаги ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилганлар”, – деган фикрни таъкидлайди²⁹.

Туркистонда Россия империяси мустамлакачилиги даври тарихи ва мустабид тизимга қарши миллий-озодлик кураши масалалари таниқли тарихчилар – Ҳ.Зиёев³⁰ ва Д.Ҳ.Зияеваларнинг³¹ асарларида батафсил ўрганилган. Муаллифлар мавзуга оид кенг кўламдаги архив материаллари ва тарихшунослик таҳлиллари асосида китобхонга мустамлака Туркистондаги вазият ҳамда ислом омилининг миллий ҳаракатдаги роли ҳақида муҳим маълумотларни тақдим этишади.

Ўзбек тарихчиси С.Б.Шадмановнинг монографиясида даврий матбуот материаллари асосида Туркистоннинг мустамлакачилик даври тарихи атроф-лича таҳлил қилинган³². Муаллиф даврий нашрларда мусулмонлар масаласининг акс эттирилиши, ўлкадаги расмий сиёсатда ислом динига бўлган муносабат ва шу каби муаммоларга эътибор қаратган.

Ўзбекистоннинг тарих фанида Б.Э.Эргашевнинг³³ илмий тадқиқоти муҳим аҳамият касб этади. Монографияда кўплаб тарихий материаллар ва архив ҳужжатлари асосида Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонасида иш юритиш соҳасининг шаклланиши муаммолари очиб берилган. Девонхонанинг ташкил топиш жараёни ҳамда иш юритиш фаолиятининг ҳуқуқий асослари тавсифланган. Ходимлар таркиби ва идора хизматчиларининг мансаблари ҳақидаги маълумотлар тадқиқ этилган.

Ўзбекистон мустақиллиги кўлга киритилганидан кейинги даврда мустамлакачилик тарихини ўрганиш жараёнида жиддий илмий-қидирув тадқиқотлар амалга оширилганлигини қайд этса бўлади³⁴. Шунга қарамай,

²⁹ Алимова Д. А. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. – Ташкент: Узбекистан, 2000. Б.15.

³⁰ Зияев. Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII-XX аср бошлари). – Тошкент, 1998.; Россиянинг Козон, Астрахан, Сибир, Крим, Кавказ ва Туркистонга тажовузи ва ҳукмронлигига қарши курашлар тарихи. – Тошкент, 2011 ва бошқалар.

³¹ Зияева Д. Х. Туркистон миллий озодлик ҳаракати XX аср тарихшунослигида (1916-1924). – Тошкент, 2001.; Восстание 1916 года в Туркестане // Материалы международной научной конференции «Национально-освободительное движение 1916 года: история и современность». – Алматы, 2010. 29 мая.

³² Шадманова С. Б. Туркистон тарихи-матбуот кўзгусида (1870-1917 й.). – Тошкент, 2011. Б. 2.

³³ Эргашев Б.Э. Делопроизводственная деятельность канцелярии Туркестанского генерал-губернатора. – Ташкент, 2015.

³⁴ Исмаилова Ж. Национально-освободительное движение в Туркестане в начале XX века: Автореф. дисс... док. ист. наук. - Ташкент, 1998; Мусаев Н.У. Формирование и развитие промышленного производства в Туркестане (конец XIX- начало XX вв). Автореф. дисс. док. ист. наук. - Ташкент, 1999; Ураков Д.Дж. Официальные отчеты российской администрации в Туркестане как исторический источник (конец XIX-начало XX вв.). Автореф. дисс...канд. ист. наук. – Ташкент, 2005; Исмаилова Д.А. Исломи динининг Туркистон ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги ўрни ва роли. (XIX аср охири-XX аср бошлари). Тарих фанлари номзоди даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2006; Кенжаев Д.М. Исламские ценности в воззрениях джадидов и их концепция духовного реформирования общества. Автореф. дисс...канд. ист. наук. – Ташкент, 2007; Махкамова Н. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX-30-годы XX века). Автореф. дисс. док. ист. наук. - Ташкент, 2009; Улугбекова З.А. XX аср бошида Туркистон ижтимоий-сиёсий ва диний-маърифий ҳаётида «Ал-Ислоҳ» журналининг тутган ўрни. Тарих фанлари номзоди даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2011; Султонов У.А. Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислохотлар ва муаммолар (XVI-XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида). Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2016; Махмудова Н.Б. Административная система управления и

мустамлака маъмуриятининг ислом динига муносабати билан боғлиқ масалалар, биринчи ўринда манбашунослик нуқтаи назаридан, батафсил ва махсус ўрганишни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотининг мазмуни ва материаллари ЎзР ФА Тарих институтида амалга оширилган лойиҳаларни тайёрлашда қўлланилган.

Тадқиқотнинг мақсади Туркистонда Россия империясининг ислом динига оид давлат сиёсати, уни амалга ошириш усуллари, тузилмалари, уларнинг самарадорлиги даражасини ўрганиш, унинг ҳуқуқий асослари, марказ ва ўлкадаги бошқарув тизими (масалан, Туркистон генерал-губернатори девонхонаси, Россиянинг Хорижий эътиқодлар бўйича диний ишлар департаменти, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва ҳ.к.) фаолиятини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Туркистонда сиёсий тузум масалаларини кўриб чиқиш;

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Ўрта Осиё жамияти мусулмонларининг маънавий-диний ҳолатини тавсифлаш;

мустамлака маъмуриятининг ислом дини ва унинг институтларига доир сиёсати мазмунини очиб бериш;

масъул мансабдорларнинг ислом динига нисбатан давлат сиёсатининг мазмунини очиб беришга хизмат қилувчи ҳисоботларини таҳлил қилиш;

Россия империяси сиёсий элитаси ва Туркистон маъмурияти мансабдор шахсларининг ислом динига муносабати масаласини ёритиш;

манбалар асосида генерал-губернаторликдаги вилоят бошқарувларининг жойлардаги исломий турмуш-тарзига муносабатини кўрсатиб бериш;

Туркистон генерал-губернаторлигининг ислом диний таълими масаласига оид сиёсатини манбалар ёрдамида очиб бериш;

Россия империясининг бутун мамлакатда, хусусан Туркистондаги ислом динига оид давлат сиёсатининг умумий ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаш.

Тадқиқот объектини Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти ва минтақадаги ислом муассасалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Россия империясини Туркистонда ислом динига нисбатан олиб борган сиёсати (1864-1917) ва бу сиёсатни юритган арбоблар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари: диссертацияда чор Россиясининг Туркистондаги ислом динига оид давлат сиёсатини ўрганишда комплекс ҳамда фанлараро ёндашув усуллари билан бир қаторда тарихийлик ва

социально-экономическое положение в Туркестане в начале XX в. (по материалам ревизии сенатора К.К.Палена.). Автореф. дисс... доктора философии (PhD) по историческим наукам. – Ташкент, 2018; Рахимджанова Н.К. Туркистон даврий матбуотида ислом дини ва маърифатининг долзарб масалалари (XIX аср охири-XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020 ва бошқалар.

изчиллик, статистик таҳлил ҳамда қиёсий ва муаммовий-хронологик таҳлил, тизимли ёндашув ва холислик усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Туркистон ўлкасида исломни “эътиборсиз қолдириш” деб номланган сиёсатни эълон қилган империя маъмурияти, аслида аҳолининг шариат қонунларига асосланган иқтисодий ҳаётига фаол аралашиб, мусулмон аҳолисининг турмуш тарзига ўзгартиришлар киритиши жараёнида иқтисодий ва клерикал (диний) элитани четлатиб, ислом мавқеини пасайтиришга фаол ҳаракат қилганлиги далилланган;

Маъмурият томонидан мактаб ва мадрасаларнинг ички ишларига фаол аралашиб сиёсати ишлаб чиқилиб, ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида мадрасалардаги кадрлар сиёсати назоратга олиниб, амалда мадрасалар очилишига йўл қўйилмайдиган қатор омиллар, жумладан, вақф ҳужжатларининг бекор қилиниши оқибатида мадрасаларни ёпиш жараёнлари бошланганлиги исботланган;

Туркистон ўлкасидаги таълим тизимига оид сиёсатда маҳаллий аҳоли ҳаётидан ислом таълимини аста-секинлик билан сиқиб чиқариш кўзда тутилган бўлиб, рус мактабларига айнан мусулмон фарзандларини жалб этишнинг бошланиши туб аҳоли орасида норозиликларни келтириб чиқарганликлари асосланган;

Мусулмон ўқув юртларининг давлат томонидан тартибга солиниши ислом дини таълим муассасаларига муносабатда хато сиёсат юритилишига, шунингдек, ҳокимиятнинг вақф масаласини ҳал қилишда етарли маълумотга эга бўлмаганлиги қатор тартибсизликлар, жумладан, 1898 йилги Россия ҳукмронлигига қарши Андижон кўзғолонига сабаб бўлганлиги далилланган;

1898 йилдаги Андижон кўзғолони Туркистон генерал-губернаторлиги маъмуриятининг минтақада исломга оид давлат сиёсатининг тактикаси ва стратегиясини белгилашда мусулмон руҳонийларига таяниш борасидаги хоҳиш-истакларини сўндириб, 1884 йилги ўлка мусулмонлари Диний идорасини ташкил этиш борасидаги ҳаракатларда маҳаллий ислом элитаси асосий роль ўйнаган бўлсалар, кейинги иккита – 1899 ва 1908 йиллардаги уринишларда эса ушбу мураккаб муаммони ҳал қилиш ишидан ислом руҳонийлари бутунлай четлаштирилиб, минтақа мусулмонларининг бошқарув ташкилотини тузиш масаласи 1917 йилга қадар ўз ечимини топмасдан натижада ўлка маъмурияти ислом динига оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг уддасидан чиқа олмаганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўзбекистон тарихининг Россия империяси таркибидаги мустамлакачилик даврини (1864-1917) ўрганиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Амалга оширилган тадқиқот материалларидан республика олий ўқув юртлари талабалари учун методик қўлланмалар ва хрестоматиялар яратишда фойдаланилди. Тадқиқот материаллари асосида Бухоро ва Самарқанд ўлкашунослик музейлари кўргазмалари учун контент тайёрланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих фанида тан олинган назарий ёндошув ва усулларнинг қўлланилганлиги, кенг қўламдаги тарихий адабиётлардан фойдаланилганлиги, бирламчи манбаларга асосланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Манбаларни тизимлаштириш натижасида юзага келган диссертация материаллари ва хулосалари Ватан тарихшунослиги ва манбашунослигидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш вазифасини ўташи назарда тутилган. Улардан империя мустамлакачилиги даври ҳақидаги умумлаштирувчи тарихий асарларни тайёрлашда, ўқув юртлари дастурларини ишлаб чиқаришда, Туркистонда Россия империяси мустамлакачилиги даври тарихи бўйича махсус курслар ва маъруза матнлари тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1864-1917 йилларда Россия империясининг Туркистонда ислом динига доир сиёсати тарихига оид ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат, ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди кўмагидаги “Бухоро мероси” илмий-тадқиқот марказининг “Бухоро вилоятида ёшларнинг маданий мерос соҳасидаги билимларини ошириш” 35-06-15-рақамли грант лойиҳаси доирасида “Отчёты ревизии графа К.К.Палена как источник для изучения колониальной политики Российской империи в Средней Азии» (“Граф К.К.Пален тафтишининг ҳисоботлари Россия империясининг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик сиёсатини ўрганиш манбаси сифатида”) номли илмий-услубий қўлланма нашр қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат, ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди кўмагидаги “Бухоро мероси” илмий-тадқиқот марказининг 2016 йил 16 ноябрдаги № 28 маълумотномаси) Бухоро вилоятида ёшларнинг маданий мерос соҳасидаги билимларини оширишга хизмат қилган;

империя маъмурияти томонидан мактаб ва мадрасаларнинг ички ишларига фаол аралашиб сиёсати ишлаб чиқилиши, ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида мадрасалардаги кадрлар сиёсати назоратга олинishi, амалда мадрасалар очилишига йўл қўйилмайдиган қатор омиллар, вақф ҳужжатларининг бекор қилиниши оқибатида мадрасаларни ёпиш жараёнларига доир илмий материаллар Бухоро давлат бадий-меъморчилик музей-қўриқхонаси материаллари ва республика музейларининг экспозицияларини шакллантиришда қўлланилган (Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2017 йил 23 февралдаги 01-11-04-1426-сон маълумотномаси). Қўлланилган натижалар музейнинг “Ҳужжатлар ва фонотека” фондиди

бойитиш билан бирга Россия империясининг Туркистонда ислом динига нисбатан қўллаган сиёсатини очиб беришга хизмат қилган;

мусулмон ўқув юртларини ўлка бошқаруви томонидан давлат томонидан тартибга солиниши, ислом дини таълим муассасаларига муносабатда хато сиёсат юритилиши, шунингдек, ҳокимиятнинг вақф масаласини ҳал қилишдаги етарли маълумотга эга бўлмаганлиги қатор тартибсизликлар, жумладан, 1898 йилги Россия ҳукмронлигига қарши Андижон кўзғолонига сабаб бўлганлигига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston tarixi” каналида 2019 йил 26 ноябридаги «Установление советской власти в Туркестане. Автономия Туркестана» (“Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Туркистон мухторияти”) кўрсатуви сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканали” ДУК нинг 2020 йил 21 июлдаги № 02-40-740-сонли маълумотномаси). Кўрсатувда Россия ҳукмронлиги даврида диний сиёсат юритилишининг маҳаллий зиёлиларнинг тақдирига таъсири бўйича тарихий ҳақиқатлар очиб берилиши баробарида телетомошабинларга объектив маълумотлар етказилишига хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита томонидан диссертация орқали XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Ўрта Осиё жамияти мусулмонларининг маънавий-диний ҳолатини тавсифлаш, мустамлака маъмуриятининг ислом дини ва унинг институтларига доир сиёсати мазмунини очиб бериш, шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабалари учун методик қўлланмалар ва хрестоматиялар яратишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2021 йил 12 апрелдаги № 02-03/2353-сонли далолатномаси).

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертациянинг материаллари ва илмий натижалари Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, АҚШ, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда чоп этилган 80 дан ортиқ илмий ишларда ўз аксини топди. Улар орасида: 2 та муаллифлик монографияси, олий ўқув юртлари талабалари учун 2 та илмий-методик қўлланма (Н.Б.Махмудова билан ҳаммуаллифликда), олий ўқув юртлари талабалари учун 2 та хрестоматия (муаллифлар жамоаси), Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 6 таси хорижий импакт-факторга эга журналларда нашр қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг мазмуни ва натижалари Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, АҚШ, Тожикистон, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда ўтказилган 50 та халқаро ҳамда республика миқёсидаги конференцияларда тақдим этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 253 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, унинг ўрганилиш даражаси тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодаланган, унинг объекти, предмети ва усуллари белгиланган, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий йўналишлар баён этилган, ишнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган.

“1864-1917 йилларда Россия империясининг Туркистонда ислом динига нисбатан қўлаган сиёсати муаммосига оид манбалар таҳлили” деб номланган биринчи боб чор маъмуриятининг 1864-1917 йилларда Туркистонда ислом динига доир сиёсатини очиб беришга хизмат қиладиган ҳужжатлар таҳлилига бағишланган.

Туркистонда ислом динига нисбатан юритилган давлат сиёсати тажрибасини батафсил ва комплекс тарзда тасвирлаш мақсадида тадқиқотда қонунларга оид манбалар ҳамда иш юритиш ҳужжатлари - ҳисоботлар ва маърузалар, фармойишлар, расмий маълумотлар, хулосалар, маълумотномалар, хабарлар, мусулмон жамоаси вакилларининг шахсий мазмундаги хатлари, материаллари, публицистик нашрлар ўрганиб чиқилди. Тадқиқот доирасида санаб ўтилган манбаларнинг барча турлари архив жамғармалари билан боғлиқликда тадқиқ этилди ва бу борада қисқача тарихий маълумотнома келтирилди. Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлигида ислом динига оид сиёсати таҳлилидан олдин турли йилларда чоп этилган “Хорижий эътиқодлар бўйича Диний ишлар департаменти уставлари” асосида давлатнинг диний масалага муносабати кўриб чиқилди³⁵.

Бевосита ўрганиладиган даврда яшаб ўтган турли муаллифлар томонидан йиғилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий архивида (ЎзР МА) сақланаётган шахсий жамғармалар материаллари ҳам эътибордан четда қолмади. Туркистон ўлкасининг олий даражадаги амалдорларининг ислом динига оид давлат сиёсатини ислоҳ қилиш борасидаги фаолияти маҳаллий шарқшуносларнинг шахсий хотираларга асосланган танқидий мулоҳазаларида акс этган бўлиб, улар ҳам муаммони ёритишда жуда катта илмий қийматга эгадир.

“Туркистонда ислом динига нисбатан Россия империяси сиёсатининг шаклланиши” деб номланган иккинчи бобда Туркистонда ислом динига нисбатан Россия империясининг давлат сиёсати шаклланишининг асослари таҳлил этилган.

Туркистонда Россия империясининг ислом динига нисбатан 1864-1917 йилларда олиб борган давлат сиёсати Туркистон генерал-губернаторлари

³⁵ Свод Законов Российской империи. Т. XI. Ч. I. С. 9.1895.

фаолияти билан чамбарчас боғлиқ³⁶. Бу жиҳатдан уларни Россия империясининг босиб олинган ўлкада юритган сиёсатидаги роли алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу ҳолатга аниқлик киритишда ўша даврда махфийлиги учун Туркистон маъмурияти мансабдорларига берилмаган Туркистон генерал-губернаторларининг хизмат рўйхатлари биз учун ноёб материал бўлди³⁷.

Туркистонда Россия империяси ҳукмронлиги давридаги ўлка маъмурияти раҳбарларининг шахсий ҳужжатлари ва таржимаи ҳолини ўрганиш давомида, метрополиянинг “чекка ўлка”даги ходимлари борасидаги сиёсати мутлақо мантиқсиз бўлганлиги кўзга ташланади. Ўлкага асосан империянинг мусулмон аҳолиси истиқомат қиладиган минтақаларда ишлаш тажрибасига эга бўлмаган раҳбарлар тайинланган.

Чор Россияси давридаги Туркистон тарихини ўрганган ва ўрганаётган аксарият тарихчиларнинг фикрига кўра 1867 йили ўлкага Туркистон генерал-губернатори К.П.фон Кауфманнинг келиши мустамлака сиёсатининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

Туркистон генерал-губернатори лавозимини эгаллаши билан К. П. фон Кауфман ислом дини масаласида “эътибор бермаслик” сиёсати деб номланган, яъни мусулмон руҳонийларининг ички ишларига аралашмаслик ва мусулмон таълим муассасаларини молиялаштиришдан бутунлай воз кечиш сиёсатини юритди.

К.П. фон Кауфманнинг вазифаларига ҳар бир жойда оқсоқоллар ва қозилар сонини белгилаш ҳуқуқи кирган. Фон Кауфман оқсоқол ва қози лавозимларига халқнинг “энг сара” одамларни сайлаши муҳим эканлигини таъкидлар эди. Сайловлар ҳар уч йилда ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, бу муддат якунида бошқа одамларни сайлаш ёки аввалгиларини қолдириш ҳуқуқи белгиланганди. Тошкентликлар ва бошқа шаҳарларнинг аҳолиси учун оғир жиноятлардан ташқари бошқа жинойий ишларга рус амалдорлари аралашмаслик шартин билан шариат асосида сайланган қозилар судининг амал қилиши назарда тутилганди. Солиқ йиғиш “сартлар” яшайдиган ҳудудларда халқ сайлаган фуқаролардан ташкил этиладиган хўжалик идораларига юклатилиши кўзда тутилган.

Хонлар даврида шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси хирож, таноб, закот, саввин ва саулук закоти, қўш, хон солиғи, амалдорларга кафсан каби солиқлар тўлашган ҳамда улардан тарози, бозор, солиқлари, йўллар, шаҳар мудофаа деворлари, ариқлар, кўчалар ва ҳ.к. таъмирлаш йиғимлари олинар эди. Шаҳар ва деҳқончилик ҳудудларидаги ариқларни тартибда сақлаш, кўчаларни таъмирлаш ва тозалаш учун йиғимларни хўжалик бошқармаларига, улар зарур деб ҳисоблаган миқдорда йиғиш юклатилар эди. Рус маъмурияти томонидан илгари хон ҳукуматида тўланадиган барча солиқлар ўрнига давлат хазинаси фойдасига учта солиқ – хирож, таноб ва закот тўлаш таклиф этилди.

³⁶ Федоров Г. П. Моя служба в Туркестанском крае (1870-1906 гг.) // Туркестанский сборник. - Ташкент, Т. 559; Мустафин В. А. Александр Васильевич Самсонов // Исторический вестник. - 1916. – Август.

³⁷ Қаранг: ЎзМА, И.1- фонд, 33- рўйхат.

Ўлка аҳолиси барча бошқа солиқлардан озод этилиб, савдогарлар йил давомида олган фойдасидан 1/40 қисмини закот тарзида тўлаши белгиланди. Бундан фон Кауфман ҳукумат бошқарувнинг катта қисмини халқ кўлига бермоқчи деган хулосага келади. Фон Кауфман Тошкентда вилоят шаҳарлари ва Тошкентнинг ўзида халқ бошқарувини ташкил қилиш бўйича комиссиялар иш бошлагани ҳақида хабар беради.

Янги генерал-губернаторликни тузишни фон Кауфман босиб олинган ҳудуддаги маъмурий тизимни ўзгартиришдан бошлади. Унинг олдида империя ҳукумати томонидан қўйилган аниқ вазифалар турарди. Ўлка ҳукумати олдида мусулмон аҳолисининг ҳаётига ҳеч қандай ўзгариш киритилмасин деган вазифа турмаганлиги аён, албатта. Бир вақтнинг ўзида Россия давлати манфаатларига зид келмайдиган ҳамда маҳаллий аҳолини қониқтирадиган ислоҳотлар ўтказилиши талаб этилар эди.

1873 йилда фон Кауфман юқори ҳокимиятга муҳокама учун генерал-губернаторликнинг ер эгаллиги ва ундан фойдаланиш масалалари бўйича ислоҳоти режасини тақдим этди. Ислоҳотларнинг негизида амалда ерда ишлаётганларга ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилишининг тасдиқланиши кўзда тутилганди. К.П. фон Кауфман “маҳаллий зодагонлар учун бериладиган ерга эгалик қилиш имтиёзлари масаласининг ҳал этилиши, айниқса, мулк ва вақф фойдасидан, ҳукумат хазинасига нафақа тўланадиган тартиб тўғрисидаги менинг лойиҳам тасдиқланганда эди, фойда кўраётганлар ва тўловни амалга ошираётган зироаткор аҳоли ўртасидаги муносабатлар тартибга солиниб, хусусан, маҳаллий аҳолининг имтиёзли табақасини ҳукуматга тўғридан-тўғри бўйсундирилиб, бу масаладаги заиф томонлар тугатилар, меҳнаткаш омма ушбу синфнинг жабр-зулми ва зарарли таъсиридан қутулар ҳамда рус маъмуриятининг руҳсатига кўра вақф, мулк кўринишидаги ёрдам олаётган маҳаллий аҳолининг энг хавфли қисми бевосита қарам бўлиб қолар эди”, - деган фикрни айтади³⁸.

Туркистон генерал-губернатори зодагонлар ва мусулмон руҳонийларидан бўлган ер эгаларига қарши айнан шундай кураш олиб боришни режалатирган эди. Аммо фон Кауфман тақлиф қилган ислоҳот лойиҳасини император тасдиқламади ва у амалда тўқис бўлмаган чоралар билан кифояланишга мажбур бўлди.

Рус ҳукуматининг ҳаракатсизлиги, фон Кауфманнинг фикрига кўра, ер эгаллиги соҳасида жуда катта суиистеъмолларга йўл қўйилишига имкон берди. Ер билан амалга оширилган ноқонуний ҳаракатларнинг ўрганилиши халқ судларининг турли босқичларида, бийлар ва қозилар судларида ҳаммани қониқтирадиган ечимини топа олмаслигини кўрсатди³⁹. Икки томоннинг битта ерга эгалик қилиш даъволарини тез-тез ҳал қилишга мажбур бўлган рус маъмурияти ҳуқуқий асосдан маҳрум бўлган мусулмон ҳужжатларидан фойдаланар эди.

³⁸ Проект Всеподданнейшего отчёта Ген.-Адъютанта К. П. фон Кауфмана I... Б. 244.

³⁹ Проект Всеподданнейшего отчёта Ген.-Адъютанта К. П. фон Кауфмана I... Б. 245.

Янги ҳукуматнинг маҳаллий аҳоли ўртасидаги ўзаро мунозараларга аралашишига ушбу ажримларни тўғри ҳал қилишнинг қонуний асослари мавжуд эмаслиги ҳалақит берар эди. Маҳаллий муносабатларга умумроссия тартиб ва қоидаларини бевосита жорий этиш ҳуқуқига эга бўлмаган мустамлака ҳокимияти шариат аҳкомларини жорий этишдан ҳам мосуво қилинган эди⁴⁰.

Шундай қилиб, фон Кауфманнинг фаолиятида Россия империясининг Туркистон ўлкасида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсати яққол сезилиб турарди.

“Туркистонда ислом динига нисбатан сиёсати трансформацияси (1884-1908)” деб номланган учинчи бобда Туркистон ўлка маъмуриятининг минтақада Мусулмонлар диний идорасини яратиш борасидаги ҳаракатлари таҳлил қилинган.

1882 йилда К.П. фон Кауфманнинг вафотидан сўнг М.Г.Черняев ўлка маъмурияти раҳбари этиб тайинланади. Маҳаллий аҳолининг ҳаёти ва турмуш тарзи билан яхши таниш бўлган “жанговар” генерал ўлкада фон Кауфман сиёсатидан фарқ қилувчи қатор ислоҳотлар ўтказишни бошлайди. Шундай йирик ислоҳотлардан бири Кавказдагига ўхшаш Туркистон ўлкаси Мусулмонлар диний идорасини ташкил этиш ҳаракати бўлган⁴¹.

Диний идора тўғрисидаги қоидалар лойиҳасини ишлаб чиқиш учун Туркистон ўлкасида ислом таълим тизими, вақф муассасаларини ташкил этиш ва уларни молиялаштириш тартибини кўриб чиқиш мақсадида комиссия ташкил этилди. Комиссия таркибига маҳаллий руҳонийлар, Тошкент шаҳри аҳолиси вакиллари киритилди. Комиссия аъзолари аниқ топшириқлар белгиланган махсус йўриқнома билан таъминланган эди⁴².

Биринчилар қаторида “Вақф қайд ёзувлари талабларига мувофиқ вақф мулклари таъминотини нисбатан яхшилаш ва маблағларни ҳалол сарфлаш хусусида” деб номланган ҳужжат ишлаб чиқилди. Унга кўра, комиссия вақф мулклари устидан назорат ўрнатишда Диний идорага кенг ваколатлар тақдим этди. Туркистон вақфларига тегишли барча ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини текшириш билан бирга, уларни сақлаш ҳуқуқи ҳам Диний идора девонхонасига берилиши лозим эди. Ушбу лойиҳага кўра, Диний идора мутавалли (мадрасаларнинг хўжалик ишлари бўйича мутасаддиси) дан уларга ишониб топширилган вақф даромадлари ҳақидаги ҳисоботни талаб қилишга тўла ҳақли бўлиши зарур эди. Тақдим этилган ҳисоботлар Диний идоранинг махсус китобига киритилиши лозим эди. Диний идора вақфларнинг ҳисобот китобини йилда бир марта ўлка бошлиғига тақдим этиши белгиланган, у эса, ўз навбатида, китобни талаб қилинган жойга кўрсатиши мумкин эди⁴³. Комиссия ишлаб чиққан қозиларни ишга тайинлаш ҳақидаги ҳужжатда халқ судьялари сайловига барҳам берилиши ва қозилик

⁴⁰ Проект Всеподданнейшего отчёта Ген.-Адъютанта К. П. фон Кауфмана I... Б. 245.

⁴¹ Ўз МА, И-1-жамғарма, 11-рўйхат, 326-йиғма жилд, 2-варақ.

⁴² Ўз МА, И-1-жамғарма, 11-рўйхат, 326-йиғма жилд, 4-варақ.

⁴³ Ўша жойда, 31-варақ.

лавозимиға номзодларни қатъий талаб асосида танлаш, уларнинг шариат судлов тартиблари бўйича билимини текшириш Диний идора ихтиёрига берилиши қайд этилган.

Комиссия томонидан ишлаб чиқилган, “Мусулмонлар Диний идораси ҳақида” деб номланган асосий ҳужжат 1884 йил 12 апрелда Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонасига тақдим этилган. У 31 қисмдан иборат бўлиб, унда Туркистон ўлкасида диний марказ ташкил этиш бўйича асосий тамойиллар таклиф қилинган эди. Идоранинг барча аъзолари Туркистон генерал-губернатори ихтиёрига кўра тайинланиши керак эди. Бошқарув аъзоларини халқ томонидан сайлаш эмас, балки уларни тайинлаш зарурати Туркистоннинг барча аҳолисини сайлов мақсадида бир жойга тўплаш қийинлиги ва бу жойлардаги тартибсизликларга сабаб бўлиши эҳтимоли билан боғлиқлиги билан асосланган эди.

Ўлка бошлиғи томонидан идора аъзолари тайинлангандан кейин улар ўз ораларидан раисни сайлаганлар ва бу ҳақда ўлка маъмуриятини хабардор қилишган⁴⁴.

Диний идора ихтиёрига тўрт нафар мирзо ва тўрт нафар йигит (чопар) ишга олиниши кўзда тутилган эди.

Сирдарё, Фарғона вилоятларида, шунингдек, Зарафшон округида бош Диний идоранинг жойлардаги манфаатларини ифода этувчи вилоят бошқармаларини ташкил этиш таклиф қилинган бўлиб, унинг таркиби Диний идора томонидан тайинланадиган раис ҳамда имтиҳондан ўта олган ва вилоят ҳарбий губернатори томонидан тайинланадиган иккита уламодан ташкил топиши белгиланган. Бошқармаларга иккита мирзо ва иккита йигит бириктирилган. Ҳар учала бошқарма тўғридан-тўғри Диний идорага бўйсунуши ва хизмат вазифасини бажаришда ундан батафсил йўриқнома олиши лозим бўлган⁴⁵.

Бироқ 1884 йилнинг март ойида рўй берган воқеалар комиссия ишини ҳамда ташкил этилиши лойиҳалаштирилаётган Диний идора тақдирини бутунлай ўзгартириб юборди. М. Г. Черняевнинг ўлкадан жўнаб кетиши билан Туркистондаги вазият ва маъмурий аппарат бошқарув услуби ўзгарди. Бундан ташқари, Петербургда ҳам Туркистон генерал-губернаторлиги билан бевосита боғлиқ бўлган ҳодисалар юз берди.

1884 йил 27 март куни ўлка мусулмонлари Диний идорасини лойиҳалаштириш бўйича Тошкент комиссияси фаолиятини тўхтатиб туришга қарор қилинди.

Туркистон ўлкаси мусулмонлари Диний идорасини ташкил этишга бўлган биринчи уриниш шу тарзда яқунланди. Ўлкадаги ислом элитаси империя маъмурияти маҳаллий аҳолининг диний ишлари бошқарувини уларга ҳеч қачон топширмаслигини яхши тушунар эди: лойиҳалаштирилаётган мусулмонлар Диний идорасининг барча қарорлари

⁴⁴ Ўша жойда, 56-варақ орқаси.

⁴⁵ Ўз МА, И-1-жамғарма, 11-рўйхат, 326-жамғарма, 55-варақ.

Туркистон генерал-губернатори, шунингдек, ҳарбий губернаторлар томонидан тасдиқланиши шарт эди. Туркистон ўлкаси мусулмон аҳолисининг муаммолари ҳал этилиши зарурати жуда кучли бўлсада, ўз ечимини топмади.

1898 йилги Андижон кўзғолони Туркистон генерал-губернаторлиги раҳбарларини қаттиқ ташвишга солиши натижасида ўлка маъмурияти бир неча йил мобайнида империя ҳукуматига қарши кўтарилган оммавий кўзғолон сабабларини ўрганди. Табиийки, келажакда шунга ўхшаш воқеаларнинг олдини олиш учун чора-тадбирлар амалга оширилди.

Маҳаллий аҳоли, айниқса ислом руҳонийларига, империя ҳукуматининг ишончсизлиги яна шунда акс этдики, Туркистон ўлкаси мусулмонлари Диний идорасини ташкил этиш бўйича иш бошлаган янги комиссия таркибига маҳаллий ислом руҳонийларидан бирор киши ҳам киритилмади.

1898 йил 18 сентябрдан мутахассислар вилоят архивида сақланаётган, 1884 йилда ишлаб чиқилган “Диний идорани таъсис этиш ҳақида”ги лойиҳани ўргана бошладилар⁴⁶.

1898 йил 21 сентябрда “Туркистон ўлкасида мусулмон муассасалари ва мусулмон руҳонийларини бошқариш бўйича Низом” лойиҳаси тайёрланган бўлиб, унда Туркистон ўлкасида мусулмонлар Диний идорасини ташкил этишнинг асосий муаммолари ҳисобга олинган эди. Лойиҳада турли масалаларни кўриб чиқишда ҳар қандай ташаббусдан марҳум бўлган, уюшмаган ва номигагина иш юритадиган Диний идорани тузиш режаси тузилган эди.

Лойиҳалар бир неча хил кўринишда таклиф этилган. Уларнинг бирида Туркистонда исломнинг асосий масалаларидан бири – “бошқарувда олий назорат генерал-губернатор зиммасига юклатилган” вақф мулклари масаласи бўлган⁴⁷. Лойиҳада вақф мулки ва вақф эгалиги масалаларига ойдинлик киритилган. Лойиҳага мувофиқ улардан келадиган даромад вақф ҳужжатларида кўрсатилган мақсадда сарфланиши лозим эди⁴⁸. Дастлабки пайтларда, яъни маҳаллий аҳолидан земство тушумлари йиғилгунга қадар, вақф даромадлари Диний идора эҳтиёжларига сарфланиши белгиланган. Лойиҳада “янги вақф мулкларини шакллантириш, мавжуд вақф мулкларини сотиш ёки алмаштириш генерал-губернатор рухсатисиз амалга оширилиши мумкин эмас”, – деб таъкидланган⁴⁹. Вақф мулкига тегишли барча маълумотлар округ ва вилоят бошқармалари девонхоналарида сақланиши лозим эди.

Генерал Чайковский⁵⁰ Туркистон мусулмонларининг аҳволи, ҳаёти, маҳаллий шароитлари ва сиёсий тушунчаларига мос келадиган Диний идора лойиҳасини таклиф этган эди. Ушбу лойиҳанинг асосий жиҳати шунда эдики, унда вилоят бошқармалари тасарруфидаги “халқ суди” ваколатига тегишли

⁴⁶ Ўша жойда, 1724- йиғма жилд, 2-варақ.

⁴⁷ Ўз МА, И-1-жамғарма, 1-рўйхат, 1724- йиғма жилд, 25 варақ орқаси.

⁴⁸ Ўша жойда.

⁴⁹ Ўша жойда, 26-варақ орқаси.

⁵⁰ Фаргона вилоятининг ҳарбий губернатори. (Ш.М.)

ишлар, вақф мулкларини бошқариш масаласи киритилмаган эди.

Таклиф этилган лойиҳа Туркистон мусулмонлари Диний идораси фаолиятининг қатъий белгиланганлиги, тўлиқ шаффофлиги ва империя маъмурияти томонидан тўла назорат қилиниши жиҳатдан бошқаларидан деярли фарқ қилмас эди.

Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонасига 1898 йил 15 декабрда топширилган бошқа бир лойиҳада ҳар бир вилоят бошқармасида вилоят ҳарбий губернатори ҳузурдаги алоҳида ишлар амалдори ҳуқуқига эга бўлган, ислом таълимотидан яхши хабардор бўлган мутахассис лавозимини таъсис этиш таклиф қилинган, уларнинг зиммасига мусулмон руҳонийлари, ўлкадаги ислом билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар, шунингдек, вақф мулклари устидан тизимли назорат ўрнатиш вазифаси юклатилиши лозимлиги қайд этилган.

Туркистон ўлкаси мусулмонлари Диний идораси лойиҳасини ишлаб чиқишда Самарқанд ҳарбий губернаторининг⁵¹ лойиҳаси асос қилиб олинган. Ваҳоланки, ушбу лойиҳада ислом диний таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш, вақф мулклари масаласи, амалда вақф мулкларини бошқаришни тўлиқ уддалай олмайдиган мутаваллиларнинг вилоят бошқармасига бўйсундирилиши каби масалалар бўйича камчиликлар мавжудлиги қайд этилган эди.

Туркистон мусулмонлари Диний идораси лойиҳаси муҳокамасини ушбу масала бўйича Ҳарбий ва Ички ишлар вазирлигининг кўрсатмаларини олгунга қадар вақтинча тўхтатиб туриш таклиф қилинди. 1899 йил 22 январда Туркистон мусулмонлари Диний идорасини ташкил этиш масаласига бағишланган биринчи йиғилиш бўлиб ўтди. Мажлисда Сирдарё⁵², Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳарбий губернаторларининг ахборотлари кўриб чиқилди.

Ушбу йиғилиш баённомасидан маълум бўлишича, Туркистон генерал-губернаторлигининг Диний идора ташкил этиш масаласига муносабати эндиликда тубдан ўзгарган эди⁵³. Илгари кўзда тутилган мусулмонлар Диний идораси, яъни ўлка мусулмонларининг диний ҳаётини бошқариши керак бўлган ташкилот ёки махсус муассаса ўрнига, комиссиянинг ҳулосасига кўра, минтақа аҳолиси диний ҳаёти ўлка маъмурияти томонидан бошқарилиши зарур деб ҳисобланган. Комиссия ҳулосасида Туркистон ўлкаси мусулмонлари Диний идорасини ташкил этиш “зарарли тадбир, чунки бу идора мусулмонларни давлат вазифаларига қарши бўлган раҳбарлик маркази атрофида бирлашишига олиб келишига тўлиқ асос бор”, – деган фикр билдирилди⁵⁴.

Шунга қарамай, комиссия ўлка мусулмонлари Диний идорасини тузиш ғоясини рад этган бўлса-да, ислом руҳонийлари устидан назорат қилишни кучайтириш лозимлигини ўринли деб топди. Шунга мувофиқ,

⁵¹ Генерал-майор Федоров Яков Дмитриевич. (Ш.М.).

⁵² Генерал-лейтенант Корольков Николай Иванович. (Ш.М.).

⁵³ Ўз МА, И-1 жамғарма, 1-рўйхат, 1724- йиғма жилд, 71-варақ орқаси.

⁵⁴ Ўша жойда, 82- варақ.

маъмуриятнинг бу борадаги вазифаларини аниқ белгилаш учун амалдаги низомларни янги бандлар билан тўлдириш таклиф қилинди.

Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти томонидан ўлкада мусулмонлар Диний ишлари бошқармасини ташкил этиш борасидаги ҳаракатлари амалда натижасиз тугади. Юқорида келтирилган марказий идоралар билан беш йил (1898-1903 йй.) давомида олиб борилган ёзишмалар амалда эътиборсиз қолдирилди. Империя пойтахтида Туркистон ўлкасида мусулмонлар бошқарув ташкилотини тузиш масаласида ҳеч қандай ўзгаришлар қилмаслик ва бу соҳани назорат қилиш вазифасини мустамлака маъмурияти мансабдорларига топширишга қарор қилинди. Ташкил этилиши режалаштирилаётган “Туркистон мусулмонлари Диний ишлар бошқармаси”ни тузиш ўрнига устомонлик билан Туркистон мусулмонлари диний ишларини маъмурият томонидан бошқарилишини йўлга қўйишга қарор қилинди. Буни деярли ҳеч ким сезмади ёки сезса ҳам ўзини билмасликка олди. Аммо, бу ҳолат кун тартибидан ислом динига оид давлат сиёсатини белгилаш зарурияти борасидаги мураккаб муаммоларнинг олиб ташланишига сабаб бўла олмади, бунинг устига XX асрнинг бошланиши мустамлакачи мамлакатлар ҳукуматларининг бош оғриғи бўлган Шарқнинг қайта уйғониши билан нишонланди.

1908 йил 3 июлда Туркистон генерал-губернатори девонхонаси бошлиғи полковник В.А.Мустафин томонидан Туркистон генерал-губернатори номига ислом дини масаласига бағишланган махсус маъруза тайёрланди⁵⁵.

Қатор давлатларда, жумладан, Россия Туркистонда ислом динининг кучайиб бораётганлиги ҳақида асосли далиллар келтирар экан, В. Мустафин мусулмонлар орасида аниқ ва режали равишда махфий жосуслик ишлари олиб бориш таклифини киритди⁵⁶.

Мустафиннинг ғояси нафақат минтақада ва Туркистон ўлкасида ислом ҳаракатлари тўғрисида ахборот йиғиш марказини жорий қилиш, балки ушбу марказга минтақанинг мусулмонлар Диний идораси вазифаларини ҳам юклашдан иборат эди. 1884 ва 1898-1903 йилларда амалга оширилган шунга ўхшаш идора ташкил этиш тажрибаси, гарчи муваффақиятсизлик билан яқунланган бўлса-да, ўлка маъмурияти томонидан ислом динига нисбатан олиб борилаётган сиёсатнинг янги шакллари излашга мажбур этар эди.

Шундан сўнг “Туркистон ўлкасидан ташқарида ва унинг ҳудудида жосуслик ҳақида”ги масалани кўриб чиқиш учун комиссия тузилди. Унинг биринчи мажлиси 1908 йил 7 августда бўлиб ўтди. Йиғилиш “мусулмонлар ўртасидаги ақлий фаолиятга оид оқимлар ва маҳаллий аҳолини бошқаришнинг салбий жиҳатлари” масаласига бағишланди⁵⁷. Мусулмон динига оид масалани кўриб чиққан комиссия руслар томонидан маҳаллий аҳолини бошқаришдаги салбий ҳолатларни бартараф этиш чораларини таклиф қилди.

⁵⁵ ЎзР МА. И-1 жамғарма, 31-рўйхат, 540- йиғма жилд, 5-варак.

⁵⁶ Ўша жойда.

⁵⁷ Ўша жойда.

Жумладан, Тошкентда маҳаллий аҳоли тили, дини ва маиший ҳаётини ўрганиш учун махсус ўқув юртини очиш, муслмончилик ва шарқшунослик муаммолари бўйича маърузалар ташкил этиш, исломшунослик бўйича хорижий тилларда чоп этилган асарларни таржима қилиш, муслмон мактаблари устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек, Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси ўртасидаги панисломчилик, инқилобий ҳамда тараққийпарварлик ҳаракатларининг ҳолати ва ривожини мунтазам кузатиб бориш тавсия этилади.

Туркистон муслмонларининг диний ҳаётини бошқариши мумкин бўлган ташкилотни тузиш иши, энг аввало, шарқшуносларнинг йўқлиги туфайли тўхтаб қолди. Бизнинг назаримизда, бунга ҳарбий ходимларнинг кўйилган масалаларнинг моҳиятини тўлиқ англамаганлиги ҳам сабаб бўлган эди. 1898 йилдаги Андижон кўзғолони Туркистон генерал-губернаторлиги маъмуриятининг минтақада исломга оид давлат сиёсатининг тактикаси ва стратегиясини белгилашда муслмон руҳонийларига таяниш борасидаги хоҳиш-истакларини сўндирди. 1884 йилги ўлка муслмонлари Диний идорасини ташкил этиш борасидаги ҳаракатларда маҳаллий ислом элитаси асосий роль ўйнаган бўлсалар, кейинги иккита – 1899 ва 1908 йиллардаги уринишларда эса ушбу мураккаб муаммони ҳал қилиш ишидан ислом руҳонийлари бутунлай четлаштирилди. Минтақа муслмонларининг бошқарув ташкилотини тузиш масаласи 1917 йилга қадар ўз ечимини топмади. Ўлка маъмурияти мустамлака Туркистонда ислом динига оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг уддасидан чиқа олмади.

“Туркистон генерал-губернатори Кенгаши ва минтақада ислом динига оид сиёсатнинг амалга оширилиши (1887-1917 йй.)” деб номланган тўртинчи бобда Туркистон генерал-губернатори Кенгашининг минтақадаги муҳим масалаларни, энг аввало иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги ўрни очиб берилган.

Ушбу масалаларнинг кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши жараёни 1887-1917 йиллар оралиғида Туркистондаги ҳаётнинг барча жиҳатларини яққол акс эттирган “Кенгаш журналлари”да ўз аксини топган⁵⁸. Ушбу журналларни “Туркистон ҳаёти ойнаси” деб ифодалаш мумкин.

Туркистон генерал-губернаторлиги Кенгаши стенограммалари Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви (собик Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви) нинг И-717 жамғармасида сақланади. Уларнинг аксарияти қўлёзма ҳужжатлардир. Журналлар анча салмоқли бўлиб, айрим йиғилишларнинг жилдлари 300 бетдан 1200 бетгача бўлган ҳажмни ташкил этади. Бир йил давомида мажлис журналларининг бир ёки икки жилди тикилган. Уларда ислом динига оид давлат сиёсатининг турли масалалари батафсил ва шарҳлар билан ёзилган. Ушбу журналлар хизматда фойдаланиш учун тузилган бўлиб, Россия ҳукуматининг империяча моҳиятини очик ифодалайди. Туркистон генерал-губернаторлиги Кенгаши мажлисининг

⁵⁸ Центральный Государственный Архив УзССР. Путеводитель. – Ташкент, 1948. Б. 26.

материаллари кам ўрганилган ва чоп этилмаган.

Граф Игнатъев лойиҳаси асосида тузилган Туркистон генерал-губернаторлиги (ТГГ) Кенгаши 1886 йил 12 июнда император томонидан тасдиқланган⁵⁹.

ТГГ Кенгаши томонидан кўриб чиқиладиган барча ишларни тайёрлаш ва ундан кейинги тадбирлар барча маълумот ва ахборотлар йиғиб ўлка бошлиғига тақдим этадиган генерал-губернатор Девонхонаси томонидан амалга оширилар эди.

Генерал-губернатор барча мунозарали масалаларни, жумладан, вақф ерларидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни кўриб чиқиш учун Кенгашга тақдим этарди.

Вақф мулклари бўйича кўрсатмаларни асосан ер ва солиқ комиссияси томонидан тайинланган комиссар амалга оширган. Айнан у вақф хужжатларининг ҳақиқийлигини ўрганиш учун жавобгар эди. Бироқ “Комиссарларга йўриқномалар” деб номланган хужжатда вақф хужжатларини кўриб чиқиш жараёнини жуда чигаллаштирувчи ҳолатларга йўл қўйилган.

Кенгаш кўриб чиққан барча вақф хужжатларини шартли равишда уч тоифага ажратиш мумкин: 1) ер ва солиқ комиссиясига “Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича Низом” қабул қилингандан сўнг, яъни 1886 йил 12 июндан кейин тақдим қилинган янги вақф хужжатлари; 2) 1887 йил 1 июлдан кейин тақдим этилган хужжатлар; 3) сохта хужжатлар.

Вақф хужжатларини кўриб чиқишдаги энг мураккаб ва чигал ҳолатлардан бири бу вақфлар хужжатларининг ҳақиқийлигини ўрганиш ва тасдиқлаш билан боғлиқ эди. Масалан, 1888 йил 15 сентябрда Туркистон генерал-губернаторлиги Кенгашида (№20) Шайхонтоҳур мозори ва Лашкар Беклар Беги мадрасаси мутаваллилари томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳридаги мулк эгаллигига берилган вақф ёрлиғининг ҳақиқийлигини текшириш масаласи кўриб чиқилган. Сирдарё вилояти бошқармаси ўз қарорининг нусхасида хужжатларга тузатишлар киритилганлиги, қоғоз бўлақларида пала-партиш тарздаги узук-юлуқ ҳар хил ёзувларнинг мавжудлигини кўрсатган. Шунга қарамасдан, вилоят бошқармасининг умумий йиғилишида хужжатларни текшириш лозимлиги таъкидланган. Ушбу қарорни кўриб чиққан ҳарбий губернатор юқоридаги хужжатларни сохта деб топган ва ишни тўхтатишга қарор қилган. Ушбу масала бўйича Кенгашнинг сўнгги қарорида “кўрсатилган вақф хужжатларга вилоят бошқармаси қарорлари асосида чора кўрилиши” лозимлиги билдирилган⁶⁰.

Туркистон генерал-губернаторлиги Кенгаши фаолиятининг дастлабки йилларидагина айрим нуқсонлари бўлган вақф хужжатлари масаласи ижобий ҳал қилинган. Кейинчалик бундай амалиёт йўққа чиқарилган. Ўлка ва вилоят маъмурияти сиёсий манфаатларни кўзлаб вақф хужжатлари миқдорини кўпайтирмаслик мақсадида, кўриб чиқишга тавсия қилинган хужжатлардан

⁵⁹ Пален К. К. Главнейшие выводы отчета по ревизии Туркестанского края. Ч. II. - СПб., 1910. Б. 13.

⁶⁰ Ўз МА, И-717-жамғарма, 1-рўйхат, 3- йиғма жилд, 231-варақ орқаси.

турли нуқсонлар топишга ҳаракат қилганлар⁶¹.

XX асрнинг бошларида ўлка маъмурияти вақф масаласини кўриб чиқиш мақсадида махсус комиссия ташкил этди. Комиссиянинг фаолияти 4 ой – 1904 йилнинг июнидан сентябрь ойигача давом этди. Комиссия томонидан кўриб чиқилган масалалар ҳеч қандай янги натижага олиб келмади ва муаммолар аввалгидек ҳал этилмай қолаверди. Аммо, 1905 йил воқеалари Туркистон генерал-губернаторлигида вақф масаласининг ривожланишига доир тузатишлар киритди.

1907 йилда ўлкадаги вақф масаласининг ҳаддан зиёд тартибсизлигини эътиборга олган Туркистон генерал-губернатори Н. Гродеков Кенгашга мазкур масала бўйича тайёрланган материаллар ва махфий маслаҳатчи Несторовский раҳбарлик қилган комиссия ишларини кўриб чиқишни топширди. Кенгашнинг ушбу масалага оид (1908 йил 7 февралдаги № 6 б) қарори генерал Гродеков томонидан шу йилнинг 19 февралда тасдиқланган⁶². Бир йилдан сўнг, 1909 йил 22 майда Девон томонидан Туркистон генерал-губернатори в.б. Мишченко тайёрлаган маъруза (46 бет) тақдим этилди. Унда умумий вақф муаммоларини ҳал этиш борасида қатъий масалалар кўйилган эди. Маърузада Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилоят бошқармаларининг вақф масаласидаги фикрлари баён этилган эди.

Кенгаш томонидан тайёрланган барча ҳужжатлар ва Мишченконинг маърузаси 1909 йил 23 майда Тошкент Суд палатасига хулоса чиқариш учун топширилган. Аммо, қарийб икки ярим йил мобайнида комиссия вақф масаласини кўриб чиқишга улгурмай, барча материаллар қайтариб юборилган. Вақф масаласи ҳолати 1908 йилгача қандай аҳволда бўлса, ўшандай ўзгармасдан қолди. Муаммони ҳал этишда иккита асосий тўсиқ мавжуд бўлган. Улардан биринчиси Туркистон генерал-губернаторлиги Кенгашининг 1895 йил 30 ноябрда ва 1896 йил 8 февралдаги вақф ҳужжатларини кўриб чиқишни юқори доираларда қонуний асосда ҳал қилингунга қадар тўхтатиб туриш ҳақидаги қарорлари эди. Иккинчи сабаб, “Ер-солиқ билан шуғулланувчи амалдорлар ва низомларга 1902 йил 4 майдаги йўриқнома”да таъкидланган шаҳар вақфлари, ер-вақф мулклари ва вақф ҳужжатларига тегишли олдинги эгаларининг муҳри туширилмаган барча ҳужжатлар то кейинги фармойишларга қадар вилоят бошқармаларида сақланиши лозим, деган фикрлар билан боғлиқ⁶³.

1912 йилда Туркистон ўлка маъмурияти юқори мартабали амалдорларининг вақф масаласига оид ёзма равишда берилган мулоҳазалари муҳокама учун Туркистон генерал-губернаторлиги Кенгашига тақдим этилди. Уларда турли хил таклифлар билдирилган эди⁶⁴.

Россия империяси Молия вазирлигининг Туркистондаги вакили давлат-маслаҳатчиси А.Фрей Туркистондаги барча вақфларни икки тоифага – диний

⁶¹ Ўша жойда.

⁶² Ўз МА, И-1-жамғарма, 27-рўйхат, 1209-йиғмажилд, 1-варақ.

⁶³ Ўша жойда, И-717 -жамғарма, 1-рўйхат, 3- йиғма жилд, 2-варақ, 2-варақ орқаси.

⁶⁴ Ўша жойда, 108-варақ орқаси.

ва хусусий вақфларга ажратишни таклиф қилган. Хусусий вақфлар тугаши билан ўз васийлик кучини йўқотиши лозим эди. Барча вақфлар, ҳужжатларда камчиликлар мавжудлигидан қатъий назар, рўйхатдан ўтказилиши керак бўлган⁶⁵. Агар вақфдан тушган фойда империя ҳукмронлигига қарши мақсадларда ишлатилса, “ундай қарорлар бекор қилинади, уларга тегишли барча мол-мулк мусодара қилинади ва оммавий кимошди савдосида сотилиб, ундан тушган пул маблағи ижтимоий хайрия (хайр-эҳсон – *Ш.М.*) маблағига айлан-тирилади”⁶⁶.

Энг асосийси, А.Фрей вилоятлар бошқармаларида сақланаётган барча ҳужжатларни такроран рўйхатдан ўтказишни таклиф қилган эди⁶⁷.

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори А. Гиппиус вақфларни бошқаришни назорат қилишни халқ судлари съездларига топширишни таклиф қилган (п.5). Бироқ буни амалга ошириб бўлмасди, чунки ўлка ҳукумати ҳеч қачон бундай йирик мулк устидан назоратни маҳаллий ислом элитаси қўлига бермасди. Бунинг устига 1884, 1898 ва 1908 йиллардаги Туркистон ўлкасида мусулмонларнинг Диний идорасини тузиш ҳаракатлари тўлиқ барбод бўлганди. Бу идорани тузиш ҳақидаги лойиҳаларда вақф мулкларини назорат қилишни ушбу ташкилот ихтиёрига бериш масаласи ҳам қўйилган эди. Мусулмон бошқармалари ҳокимиятни амалда ўз қўлларига олиши ва Россия ҳукмронлигига қарши фаол ҳаракатларни бошлаши мумкинлигидан чўчиш, барча лойиҳаларни йўққа чиқарган.

Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант А.Галкин вақф мулкларини бошқариш бўйича янги қонунлар ишлаб чиқмасликни, Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низомнинг 267, 286 ва 289-бандларини бекор қилишни ва вақф мулклари бўйича барча ишларни халқ судларига топширишни таклиф қилди. Унинг таъкидлашича, рус ҳукумати вақф мулкидан олинадиган даромаддан белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан назорат олиб бориши керак эди. Бундан ташқари, А.Галкин бу масалада тартиб ўрнатиш учун вилоят бошқармалари томонидан 1887 йилдан буён кўрилиши тўхтатиб қўйилган барча ҳужжатларни вақф муассасаларига қайтариб беришни таклиф қилганди.

Юқори мартабали амалдорларнинг вақф масаласи бўйича киритган таклифларининг кўпчилиги бу гал ҳам фақат қоғозда қолиб кетди. 1913 йил 5 декабрда вақфлар бўйича Туркистон генерал-губернаторлигининг янги қонун лойиҳаси қабул қилинди. Лойиҳага асос сифатида А.Фрейнинг таклифлари қабул қилинди: вақфлар шариат қоидаларига кўра ва васият қилувчининг ихтиёри билан хусусий шахслар ёки муассасалар ихтиёрида қолади; вақф муассасаси ва вақф аҳолиси ўртасида кўтарилиши мумкин бўлган барча баҳс ва даъволар рус суди тартиблари асосида ҳал қилинади. Туркистон генерал-губернаторлиги Кенгаши аъзолари таклиф этилган лойиҳани бандлар бўйича

⁶⁵ Ўша жойда.

⁶⁶ Ўша жойда, И-1-жамғарма, 1-рўйхат, 1209-йиғма жилд, 114-варақ, 114-варақ орқаси.

⁶⁷ Ўша жойда, 27-рўйхат, 1209-йиғмажилд, 114-варақ орқаси.

қабул қилишдан олдин уни Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори бошчилигидаги “Махсус комиссия”да муҳокама қилишга қарор қилдилар. Бироқ, ушбу лойиҳа тақдири ҳам олдингилари каби яқунланди⁶⁸.

Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги янги Низом лойиҳаси муҳокамасини Санкт-Петербургда ўтказиш режалаштирилганлиги ҳақидаги энг сўнгги маълумотлар 1916 йилга тегишли. 1917 йилда Россия империясининг қулаши натижасида барча лойиҳалар амалга оширилмай қолди. Шундай қилиб, совет ҳокимиятига мерос бўлиб қолган вақф масаласи 1925-1927 йилларда амалга оширилган ер-сув ислоҳоти даврида тез ва қаттиққўллик билан ҳал этилади.

“Россия империясининг Туркистонда ислом диний таълими масаласига оид сиёсати” деб номланган бешинчи бобда Туркистон ўлкасида таълим муассасаларини бошқаришни ташкил этиш масалалари, маҳаллий аҳоли фарзандларини рус-тузем мактабларида ўқитишдан Россия империяси ҳукуматининг кўзлаган мақсадлари, ўлкадаги маданият ва таълим муаммолари кўриб чиқилган.

Россия империяси ҳукумати ўлкани забт этар экан, унинг анъанавий маданияти, жумладан, таълим тизимини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қайта шакллантиришни кўзда тутган эди. Бироқ, кўп ўтмай бунинг амалга ошириш жуда мураккаб эканлиги маълум бўлди. Маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи аҳоли рус маданияти ва таълим тизимини тез қабул қилишга қатта ҳошиш билдирмади. Ҳукумат таълим муассасалари бўлган рус-тузем мактабларида маҳаллий аҳоли фарзандлари учун бепул овқат ва турар жой каби шароитлар яратилганига қарамай, ота-оналар ўз анъаналарига мувофиқ, фарзандларини мусулмон таълим муассасаларига ўқишга беришни давом этардилар⁶⁹.

1875 йил 17 майда Туркистон ўлкасида Таълим муассасалари бошқармаси очилди. Ушбу муассаса ўз фаолиятини 1876 йил 1 январдан бошлади. Унинг асосий вазифаси русийзабон аҳоли учун таълим муассасаларини ташкил этишдан иборат эди. 1885 йилга қадар маҳаллий аҳоли учун бирорта мактаб очилмаган эди. 1885 йилгача ўлкада ҳукумат таълим муассасаларида таълим олаётган маҳаллий аҳоли фарзандларининг умумий сони 176 нафарга тенг эди. Шу билан бирга, ушбу ўқув масканларининг ҳеч бирида дарслар маҳаллий тилларда олиб борилмаган, ислом таълимоти асослари эса ўқитилмаган. Бундай ҳолат Россия империяси Халқ таълими вазирлиги томонидан қонун билан белгилаб қўйилганди.

Маҳаллий аҳоли фарзандларининг рус мактабларига қатнашига тўсқинлик қилувчи ташқи сабаб – бундай мактабларнинг асосан русийзабон аҳоли яшайдиган ҳудудда жойлашганлиги эди. Аммо, энг асосий сабаб – рус бошланғич мактабларини маҳаллий аҳолининг бошланғич таълим вазифалари ҳақидаги тасаввурлари билан мос келмаслигида эди. Рус-тузем

⁶⁸ Ўз МА, И-1-жамғарма, 27-рўйхат, 1209- йиғма жилд, 114-варақ орқаси.

⁶⁹ Пален К. К. Учебное дело. - СПб., 1910. Б. 120, 172.

мактабларида анъанавий диний саводхонлик ва ислом асосларининг деярли ўқитилмаслиги маҳаллий аҳолини ушбу таълим муассасаларидан узоқлаштирди. Ота-оналар, шунингдек, фарзандларини насронийлик динига ўтиб кетишидан қўрқар эди, чунки ҳукумат томонидан очилган ушбу таълим марказларида фақат православларнинг “Закон Божий” (“Илоҳиёт”) фанини ўқитишга рухсат берилган эди. Асосан юқорида кўрсатилган сабабларга кўра, бир мактабда русийзабон ва маҳаллий аҳоли фарзандларининг бирга таълим олиш ғояси амалга ошмаган⁷⁰. Бироқ, бу ўринда рус маъмурияти томонидан очик кўрсатилмайдиган бошқа сабаблар ҳам мавжуд эди.

Туркистондаги ислом ўқув муассасаларининг ҳолатини ўрганиш учун ўлка Таълим муассасалари бошқармасининг улар устидан олиб борган раҳбарлик фаолиятини кўриб чиқиш зарур⁷¹.

Туркистон Таълим муассасалари бошқармаси Россия империяси Халқ таълими вазирлигига ҳамда бевосита рус таълим муассасалари билан бирга, маҳаллий таълим тизимини ҳам назорат қилган Туркистон генерал-губернаторига бўйсунган. Ўлка бошлиғи ҳузурида халқ таълими муассасаларининг бош нозим (инспектор)и иш олиб борган. У бевосита таълим муассасалари бошқармасига раҳбарлик қилган⁷².

Халқ билим юртлари нозирининг мажбуриятларига рус ҳамда миллий ўқув муассасаларини қуриш ва уларни очиш, молиявий масалалар, ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан четлатиш, таълим муассасаларини назорат ва тафтиш қилиш, ҳисоботлар тузиш ва шу каби бошқа вазифалар кирган.

Бош нозим ўлкада олиб борилган ишлар тўғрисида бевосита генерал-губернаторнинг ўзига ҳисобот берган, генерал-губернатор эса, ўз навбатида, Халқ таълими вазирлигига ҳисобот топширган. Халқ таълими муассасаларининг Бош нозири ҳузурида девонхона ва котиб иш олиб борган. Ушбу девонхонага Туркистон ўлкаси ўқув муассасалари тўғрисидаги барча маълумотлар келиб тушган. Ҳар бир вилоятда халқ таълими муассасалари нозири иш олиб борган ва у олиб борилган ишлар борасидаги маълумотларни Бош нозимга тақдим этган. 1893 йилда, вилоятлар районларга бўлинганидан сўнг нозирлар ҳар бир районга тайинланадиган бўлди⁷³.

Таниқли шарқшунослар ва Россия империяси ҳукуматининг юқори мартабали амалдорлари – Н. П. Остроумов, В. П. Наливкин, С. М. Граменицкий, Н. А. Бобровников, В. В. Бартольд, И. Добросмыслов ва бошқалар Туркистон ўлкасидаги ислом диний таълими масканлари фаолиятини ёритишга ҳаракат қилганлар. Бироқ, қизиқарли иш ёзиш билан бирга, улар ўрганилаётган масалани ёритишда бирёқламаликка йўл қўйганлар. Чунки мазкур муаллифлар мустамлака маъмуриятининг вакиллари, шунингдек, христиан дини тарафдори бўлишган ва уларнинг қарашларида буюк рус миллатчилиги, империяча менталитет акс этган. Уларнинг

⁷⁰ Ўз МА, И-47-жамғарма, 1-рўйхат, китоб 1, Кириш сўзи, 1,2-варақлар.

⁷¹ Ўша жойда.

⁷² Ўз МА, И-47-жамғарма, 1-рўйхат, китоб 1, Кириш сўзи, 2-варақ.

⁷³ Ўша жойда.

аксарияти ислом дини Россия учун катта хавф туғдиради деб билганликлари туфайли унга қарши курашиш лозим деб ҳисоблар эдилар.

1875 йил 8 мартда Халқ таълими вазирлигининг “Туркистон ўлкасида ўқув бўлими бошқарувини тузиш ва Тошкент ҳамда Вернийда прогимназия очиш тўғрисида”ги Низом лойиҳаси қабул қилинди⁷⁴.

Архив жамғармаларида Туркистон ўлкасида таълим бошқарувини ўрнатиш ҳақидаги ҳужжат лойиҳалари мавжуд бўлиб, уларда қайтадан тузилаётган янги ташкилотнинг мақсад ва вазифалари аниқ ифода этилган. Булар: “Туркистон ўлкасида ўқув бўлимининг тузилиши ҳақидаги низом”, “Туркистон ўлкасида халқ таълими муассасалари штатлари”, “Туркистон ўлкасида ўқув бўлими ва халқ таълими тузилишининг асосий қоидалари”, “Тушунтириш хати” каби ҳужжатлардир. Айнан шу ҳужжатлар кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Халқ таълими вазирлигига топширилган ва улар асосида Туркистон ўлкасида ўқув бошқарувини ташкил этиш ҳақидаги Низом қабул қилинди.

Ушбу низомда Туркистон ўлкасида ислом диний таълими муассасалари ҳақида тўхталиб ўтилмаган бўлса-да, ўлкадаги таълим тизимига оид сиёсатда маҳаллий аҳоли ҳаётидан ислом таълимини аста-секинлик билан сиқиб чиқариш кўзда тутилган эди. Рус мактабларига айнан мусулмон фарзандларини жалб этиш мўлжалланганди. Вақт ўтиши билан Туркистон ўлкаси таълим идоралари бу жараёни ташкиллаштиришда йўл қўйилган қатор хато ва камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилган. Масалан, рус-тузем мактаблари ўқув режасига айрим ислом диний асарларини ўқитиш киритилади. Аммо, бу чоралар ҳам мазкур мактабларнинг маҳаллий аҳоли орасида оммавийлашишига сабаб бўла олмаган эди.

1876 йилда Қўқон хонлигининг Россия империяси томонидан забт этилиши Туркистон генерал-губернаторлигида ислом таълими масаласини тартибга солиш борасидаги вазиятни тубдан ўзгартирди. Туркистон ўлкаси ўқув ишлари бошқармасига янги забт этилган ҳудудда жойлашган кўп сонли мадраса ва мактабларни назорат қилиш вазифаси ҳам юклатилди. Янги лавозим – халқ таълими муассасалари нозирлари лавозими ташкил этилди⁷⁵.

Ўша даврда маҳаллий мусулмон аҳолисига рус маърифатчилиги орқали фаол таъсир ўтказиш зарур эканлиги англанар эди. Биринчи босқичда рус-тузем мактабларини ташкил этиш, иккинчи босқичда ислом диний таълим муассасалари – мадраса ва мактаблар фаолиятига фаол аралаштириш бошланди. К.П. фон Кауфман томонидан эълон қилинган “ислом динини эътиборсиз қолдириш” сиёсати аслида Россия империяси ҳукумати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, “эҳтиёткорлик” билан, “илмий” асосда Ўрта Осиё мусулмонлари турмуш тарзи ва урф-одатларига ўзгартиришлар киритишдан иборат эди.

1877 йилда халқ таълими муассасалари нозирлари лавозими жорий этилди.

⁷⁴ Ўша жойда, 1-йиғма жилд, 48-варақ.

⁷⁵ Ўз МА, И-47-жамғарма, 1-рўйхат, 1-йиғма жилд, 48-варақ

1890 йилда мусулмон таълим муассасалари устидан кузатув ўрнатиш мақсадида халқ таълими 3-нозири лавозими таъсис этилди, лекин 1896 йилга келиб ушбу лавозим бекор қилинди⁷⁶. Аммо бу империя маъмурияти Туркистон ўлкасида мусулмон таълим муассасаларини назорат қилиш ва бошқаришни тўхтатиб қўйди деган маънони англатмайди. Ўлкадаги мусулмон таълим муассасалари устидан назорат олиб бориш вазифаси Туркистон ўлкаси таълим муассасалари бошқармасининг бошқа нозирлари зиммасига юклатилди⁷⁷.

